

ШЕРОБОД ТУМАНИДА ТУРЛИ ИЖТИМОЙЙ ТОИФАДАГИ ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШ ТИЗИМИ



Хусусан бугун, 27 июль куни туман Маданият марказида Шеробод туманини ижтимоий иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, бўйича вилоятдан бириктирилган вакил У.Алимов, сектор раҳбарлари иштирокида туманда қизил тоифага киритилган ёшлар билан учрашув ташкил этилди. Унда туман ҳокимининг ўринбосари, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда ёшлар етакчилари, шунингдек, тоифага киритилган ёшлар қатнашишди.

Учрашув асносида ёшларнинг ҳар бири билан индивидуал суҳбат олиб борилди. Ёшлар томонидан билдирилган таклиф ва мурожаатлар ижроси назоратга олиниб, бажарилиши юзасидан масъулларга топшириқ берилди.